Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти КУТУБХОНАСИ

2006 ЙИЛ, 20 ОКТЯБРЬ, ЖУМА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 208 (10.765) Баҳоси эркин нархда

ХХІ АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ Абдуҳошим Абдуллаевич Абдуллаев Фарғона вилоятининг ҳокими этиб тайинланди.

● Ўзбекистон Бадиий академияси Халқаро маданият карвон-саройида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамкорлигида «Буюк Ипак йўли. Маданият ва анъаналар. Ўтмиш ва бугун» деб номланган халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилмоқда.

● Ўзининг XVII асрлик қутлуғ тўйини нишонлашга ҳозирлик кўраётган Қарши шаҳри жаҳон ҳамжамиятининг диққат-марказида турибди. Юбилей муносабати билан шаҳардаги Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида қад ростлаган жаҳон андозаларига мос 2800 ўринли амфитеатрда байрам томошаларига катта тайёргарлик кўрилмоқда. Саҳналаштирилаётган байрам дастури Қашқадарё воҳасининг миллий удумларини ўзида тараннум этувчи куй-қўшиқларни қамраб олган.

● Самарқанд вилояти, Жомбой туманида фаолият кўрсатаётган «AMIN INBEST INTERNATIONAL» Ўзбекистон-Россия-Буюк Британия қўшма корхонаси ички ва ташқи бозорга сифатли тўқимачилик маҳсулотларини чиқаради. Ҳозирда корхона фақат буюртма асосида ишлагани боис ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотнинг 90 фоиздан кўпроғи экспортга жўнатилмоқда.

● Бухоро шаҳридаги «Афросиёб» марказий магистрал йўлида олиб борилаётган қайта таъмирлаш ишлари якунланди. Ушбу ишлар жараёнида йўл кенгайтирилиб, йўловчилар учун махсус йўлкалар қурилди.

● Тошкент Давлат шарқшунослик институтига умумий миқдори 87 минг 343 АҚШ доллари бўлган замонавий ускуналардан иборат грант топширилди. «Тошкент Давлат шарқшунослик институтида японшунослик ва япон тилини ўргатишни яхшилаш» лойиҳаси доирасида ажратилган мазкур маблағ илм даргоҳининг ўқув базасини мустаҳкамлашга сарфланади.

● «Бухоро музей-қўриқхонасининг дўстлари» нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан «Қоракўл шаҳрида туризмни ривожлантириш» шиори остида ўтказилган кўрик-танловда асосан қишлоқ фуқаролар йиғинлари вакиллари, хусусий фирмалар раҳбарлари, Бухородаги туризм коллежи ўқитувчилари қатнашди. Улар ўзларининг бир қатор маданий дастурларини танлов ҳайъатига ҳавола этишди.

● «Шўрчидонмаҳсулотлари» акциядорлик жамиятида қарийб 7 минг тонна сифатли уруғлик дон тайёрланиб, Сурхон воҳаси пахтакорларига етказиб берилди. Уруғлик доннинг янги цехда замонавий технология асосида тайёрланаётгани боис 250 миллион сўмдан зиёд маблағ тежаб қолинди.

ЖАҲОНДА

● БМТ Хавфсизлик Кенгаши Грузия, Абхазия можароси ҳудудидаги вазият юзасидан резолюция лойиҳасини бир овоздан маъқуллади. Мазкур ҳужжатга кўра Россия тинчликпарварларининг Абхазиядаги ваколати 2007 йил 15 апрелгача узайтирилди.

● Шимолий Корея яқин кунлар ичида яна учта ядровий бомба синовини ўтказишни режалаштирмоқда. CNN телеканалининг билдиришича, Америка разведкаси шундай хулосага келган. Бундан ташқари, сунъий йўлдош томонидан юборилган суратларга кўра, Шимолий Кореянинг бир нечта ҳарбий полигонларида бир ҳафтадан буён шубҳали фаоллик давом этмоқда.

● Тбилисида ўтказилган матбуот конференциясида Грузия Президенти Михаил Саакашвили мамлакат конституциясига ўзгариш киритиб, маблағларни иқтисод қилиш мақсадида президент сайловларини муддатидан бир йил олдин — 2008 йилда ўтказилишини айтди.

● Белоруссияда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳарбий ҳаво кучларининг ўқув машқ йиғинлари бўлиб ўтди. Унда МДҲнинг саккизта мамлакатидан ҳарбий ҳаво кучлари иштирок этди.

● АҚШ Президенти Жорж Буш «Фазода миллий сиёсат» директивасига имзо чекди. Унга кўра, Америка манфаатларига душман мамлакатлар фазога чиқиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

● Суданнинг Дарфур вилоятида яна авж олаётган нотинч вазият бутун Африка қитъасига салбий таъсир кўрсатмоқда. БМТнинг қочқинлар масаласи бўйича олий комиссариати маълумотига кўра, қуролли тўқнашувлар Судан билан қўшни Чад ҳудудига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Чунончи, бир ҳафта ичида Чаднинг жанубий-шарқий ҳудудларидаги уч мингдан зиёд аҳоли Дарфурдаги исёнчи гуруҳлар ва ҳукумат кучлари ўртасидаги жанглар оқибатида қочқинга айланган.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

19 ОКТЯБРЬ КУНИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ. СЕССИЯДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ НУТҚ СЎЗЛАДИ

Давлатимиз раҳбари Фарғона ўзининг кўҳна ва бой тарихи, буюк алломалари, ноёб истеъдод эгалари, урф-одат ва анъаналари, табиий, иқтисодий ва маънавий салоҳияти билан мамлакатимиз ҳаётида алоҳида ўрин тутишини таъкидлади. Вилоятнинг 2000 йиллик тўйини нишонлаш арафасида турган Марғилон каби кўҳна шаҳарлари қадимий цивилизация ва маданият дурдоналарини ўзида мужассам этган.

Вилоятнинг бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулот ҳажмидаги улуши қарийб 8 фоизни, жумладан, саноат ишлаб чиқариш бўйича 9 фоизни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича эса 9 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда. "Азот", Нефтни қайта ишлаш заводи, "Кварц", "Қувасойцемент", Қувасой чинни заводи, "Автоойна", Фарғона механика заводи каби йирик ишлаб чиқариш мажмуалари нафақат вилоят, балки республикамиз иқтисодиётига ҳам сезиларли таъсир кўрсатади.

Президентимиз вилоятнинг муайян илмий салоҳиятга эга илм-маърифат маскани эканига ҳам эътиборни қаратди. Бу ерда Фарғона давлат университети, Фарғона Политехника институти, Қўқон давлат педагогика институти, Тошкент тиббиёт академияси ва Тошкент ахборот технологиялари университетининг филиаллари, 93 замонавий касб-ҳунар коллежи, 8 академик лицей фаолият кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, вилоятда охирги йилларда кўп соҳаларда қолоқликка йўл қўйилмоқда, деди Юртбошимиз. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, камчилик ва нуқсонлар раҳбарларнинг лоқайд ва бепарволиги натижасида рўй бераётир.

Саноат соҳасида ўтган йили вилоятдаги 11 корхонада, шу йилнинг саккиз ойи давомида эса 10 корхонада ишлаб чиқариш ҳажми пасайиб кетди. 10 корхона ўз фаолиятини зарар билан якунлади. 13 енгил саноат корхонаси тўлиқ қувват билан ишламаяпти.

Вилоятда жорий йил бўйича хусусийлаштириш дастурига киритилган 65 корхона ва объектдан бор-йўғи 35 таси сотилган, чет эл инвесторларига бирорта акция пакети ёки объект сотилмаган.

Қишлоққа саноатни олиб кириш, жойларда замонавий ишлаб чиқариш тузилмаларини ташкил этиш борасида аксарият туманларда амалий ишлар қилинмаяпти. Бувайда ва Данғара, Ёзёвон ва Олтиариқ туманларида пахта тозалаш ва ёғ-мой ишлаб чиқарадиган корхоналарни ҳисобга олмаганда, маҳаллий хомашё асосида ишлайдиган биронта саноат корхонаси барпо этилмаган.

Иқтисодий тараққиётнинг муҳим шарти бўлган чет эл инвестициясини жалб этиш масаласи ҳам Фарғона вилоятида бугунги кунда ўзибўларчиликка ташлаб қўйилган. Биргина мисол. 2006 йилда вилоятда қарийб 10 миллион АҚШ доллари миқдоридаги чет эл инвестициясини жалб этган ҳолда бешта лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Аммо шу кунга қадар унинг иккитаси бажарилган, холос. Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция киритиш бўйича жорий йилга мўлжалланган ҳудудий дастур эса бор-йўғи бир фоиз ижро этилган.

Вилоят қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам оқсоқликдан қутула олмаётир. Жорий йилда Бағдод ва Риштон, Тошлоқ ва Ўзбекистон туманлари ғалачиликда шартнома режасини бажармади. Ўнлаб фермер ва ширкат хўжаликлари томонидан 15 минг 800 тонна дон кам топширилди.

Кейинги беш-олти йилда вилоятда пахта ҳосилдорлиги сурункасига пасайиб, қарийб 6 центнерга камайиб кетди. Бу йил эса пахта бўйича шартнома мажбуриятини бажариш масаласи гумон бўлиб турибди.

Давлатимиз раҳбари сўнгги йилларда бу соҳада юзага келган ҳолатни атрофлича таҳлил қилар экан, вилоятда фермер хўжаликларини ташкил этишда кўпинча юзаки иш тутиш ҳолатлари кўзга ташланаётганини жиддий танқид қилди.

Фарғона вилоятидаги мавжуд ижтимоий аҳвол ҳақида гапирадиган бўлсак, биринчи галда аҳолини иш билан таъминлаш муаммосига тўхталиб ўтиш зарур, деди Президентимиз. Вилоятда ўтган йили янги иш ўринлари яратиш бўйича йиллик режа 64 фоизга, аёллар учун иш жойи ташкил этиш эса 54 фоизга бажарилгани бу соҳадаги ишларнинг қониқарсиз эканидан далолатдир.

Аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётган коммунал соҳада ҳам ижобий силжиш сезилмаяпти. Бу соҳада хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, ҳисоб-китоб ишларини тўғри йўлга қўйиш бўйича амалий чоралар кўрилмаяпти.

Президентимиз таъкидлаганидек, турли даражадаги аксарият раҳбарлар одамларнинг ҳаётий интилишларига, дарду ташвишларига эътиборсизлик билан қараб келмоқда.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Шермат Нурматов Фарғона вилояти ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Президент Ислом Каримов тавсисига кўра, Марғилон шаҳар ҳокими вазифасида ишлаб келаётган Абдуҳошим Абдуллаев Фарғона вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда сўзга чиққан Охунбобоев тумани ҳокими Н.Омонов, Қува туманидаги "Мунис-Мукаррам" фермер хўжалиги раҳбари М.Турсунова, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати А.Жўрабоев, Фарғона давлат университети ректори М.Аҳмедов, Бешариқ туманидаги ижтимоий-иқтисодиёт коллежи директори Б.Абдуллаева ва бошқалар Президентимиз нутқида келтирилган танқидий фикрлардан тегишли хулоса чиқариб, қўйилган вазифаларни масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, уюшқоқлик ва ташаббускорлик билан адо этиш вилоят аҳлининг бугунги кундаги асосий вазифаси эканини таъкидладилар.

Воҳид ЛУҚМОНОВ,
Маъсуд СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА махсус мухбирлари

Қисқа сатрларда

● **БУГУН** Собир Раҳимов туманидаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси «Маънавият ва маърифат» марказида «Зулфияхоним қизлари» кўрик-танловининг туман босқичи ўтказилди.

● **БУГУН** Шайхонтоҳур туман Болалар ижодиёти уйида «Камолот» фаоллари, ёшлар иштирокида ўтказилган ижодий ишлар кўрик-танлови «Биз — Ўзбекистон фарзандларимиз», «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч қачон кам бўлмаймиз», «Ўзбекнинг ғурури тоғлардан баланд» мавзуларида «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши томонидан уюштирилди.

● **БУГУН** 1-Республика тиббиёт коллежида Чилонзор туман хотин-қизлар қўмитаси, Маънавият тарғибот марказининг туман бўлими, туман ФҲДЁ бўлими, Тошкент шаҳар Никоҳ ва маросимлар уйи ҳамкорликларида тайёрланган «Оила — муҳаббат қасри» ўқув семинарининг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** Авиасозлар маданият саройида Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан «Юртимиз тинчлиги — маънавият пойдевори» мавзуида ўтказилган тадбир Маънавият тарғибот марказининг Ҳамза туман бўлими томонидан уюштирилди.

● **БУГУН** Миробод туманидаги «Миробод», «Афросиёб», «Салор» маҳаллаларида яшовчи қариялар Қизил Ярим Ой жамиятининг Миробод туман Кенгаши томонидан Ҳомийлар ва шифокорлар йили, яқинлашиб келаётган Рамазон ҳайити муносабати билан эсдалик совғалари тухфа этилди.

● **БУГУН** Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганлигининг 17 йиллигига бағишлаб Учтепа туманидаги Журжоний маҳалласида фаолият юритаётган «Журжоний» спорт-соғломлаштириш мажмуасида илк марта халқ таълими муассасалари раҳбарлари ўртасида ўтказилган спорт мусобақалари туман халқ таълими бўлими томонидан уюштирилди.

●**БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида «Она тилим—жон тилим» мавзуида ўтказилган адабий кеча ва концерт томошаларида «Машинасозлар» маҳалласи ёшлари, «Тенгдош» маданият уйи тўгараклари аъзолари иштирок этишди.

Ўз мухбирларимиз хабарларидан.

21 октябрь – Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонуни қабул қилинган кун

ОНА ТИЛИМИЗ СОФЛИГИГА ЭЪТИБОР

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИДА ОНА ТИЛИМИЗНИНГ СОФЛИГИНИ САҚЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ҚАТОР ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА. ИНСТИТУТ ИЛМИЙ КОТИБИ, ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ НОМЗОДИ РАҲМАТУЛЛА БАРАКАЕВ ШУ ҲАҚДА ЎзА МУХБИРИГА ҚУЙИДАГИЛАРНИ СЎЗЛАБ БЕРДИ:

— Ўзбек тилига давлат тили мақоминиг берилиши унинг ривожи учун кенг имкониятлар очди. Қонун ўзбек тилининг барча соҳаларига, жумладан, атамашунослик-терминологияга ҳам янгича нуқтаи назардан қараш имконини берди.

Институтимиз олимлари тилимиз қонуниятига мос келмайдиган сунъий атамалар қўпайишининг олдини олиш, чет тиллардан кирган ўзлашмаларга ўзбекча муқобил танлаш, умуман, термин қўлланилиши масаласини ҳал этиш учун илмий тавсиялар ишлаб чиқиш, соҳалар бўйича атама луғатлари нашр этиш, изоҳли луғатлар, қўлланмалар яратишга катта эътибор қаратяпти.

Атамаларни ўзлаштиришда ҳам муайян меъёрга, илмий асосларга таяниб иш олиб борилмаса, чалкашликлар рўй бериши мумкинлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Шу боис жамоамиз бу борада махсус грантлар асосида фундаментал ва амалий йўналишлар бўйича илмий тадқиқотлар олиб бормоқда.

Жамоамизда амалга оширилаётган илмий ишлар, чунончи, ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари учун ўзбек тили ва адабиётидан дарсликлар яратиш, луғатлар тузиш, ўзбек адабиёти ва фольклорининг мукаммал тарихини яратиш каби юмушлар мазкур Қонунда белгиланган вазифаларни амалга ошириш борасида бажарилаётган ишлар сирасига киради.

Жамоамиз томонидан беш жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» тайёрланди ва нашриётга топширилди. Луғатнинг дастлабки жилди «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриётида босмадан чиқмоқда. Китобда ҳозирги замон ўзбек тилида фаол қўлланилаётган саксон мингдан ортиқ сўз ва сўз бирикмалари уларнинг этимологияси ва англатган маъносига кўра изоҳланган.

Олимларимиз томонидан тўқсон беш минг сўзни ўзида қамраган «Ўзбек тилининг имло луғати» ҳам тузилди. У яқинда «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриётида босмадан чиқади. Нашрга топширилган яна бир тадқиқот «Ўзбекча-русча ва русча-ўзбекча» луғатнинг ҳар бир қисми бугун тилимизда фаол қўлланилаётган ўн минг сўз ва унга берилган изоҳларни қамраб олган. «Инглизча-ўзбекча-русча расмли луғат» мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларига мўлжалланган. Рангли безакли ушбу китоб мингта сўздан иборат.

Ҳозир бобокалонимиз Алишер Навоий асарларининг тўлиқ луғатини тузиш бўйича иш олиб борилаётир. Луғатда китобхонлар буюк шоир асарлари тилининг шарҳи ва изоҳларидан баҳраманд бўлиш имконига эга бўладилар.

Олимларимиз «Халқаро термин-элементларнинг изоҳли-иллюстратив луғати» борасидаги ишни давом эттирмоқдалар. Унда халқаро термин-элементларнинг ўзбек тилидаги ҳолати шарҳланади. Шу билан бирга, икки томли «Ижтимоий-сиёсий терминлар луғати»ни тузиш бўйича ҳам дастлабки тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

ЎзА мухбири
Назокат УСМОНОВА
ёзиб олди.

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИНИНГ АХБОРОТИ

Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг хабарига кўра, 2006 йил 19 октябрь куни соат 7 дан 30 дақиқа ўтганда Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳарбий хизматчилари томонидан ўқув-машқ машғулотларини амалга ошираётган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясига қарашли «Ан-2» самолёти аэродромга қўниш чоғида ҳалокатга учради.

Дастлабки маълумотларга кўра, самолёт экипажи қўниш пайтида об-ҳаво шароитининг кескин ёмонлашгани туфайли бошқарувни йўқотгани натижасида авиаҳалокат содир бўлиб, 15 киши – 2 нафар экипаж аъзоси ва 13 нафар ҳарбий хизматчи ҳалок бўлди.

Содир бўлган авиаҳалокатга олиб келган ҳолат ва сабабларни аниқлаш ва текшириш мақсадида Миллий хавфсизлик хизмати, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура идоралари раҳбарларидан иборат таркибда ҳукумат комиссияси тузилди.

Комиссияга авиаҳалокат сабабларини аниқлаш бўйича олиб борилган ишларнинг натижаси тўғрисида аҳолига ахборот бериш вазифаси топширилди.

Ҳалок бўлганларнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳар томонлама тегишли ёрдам кўрсатилмоқда.

ЎзА

ТАЪЗИЯНОМА

Ўзбекистон раҳбарияти ва ҳукумати шу йилнинг 19 октябрь куни соат 7.30 да Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида ўқув-машқ машғулотларини амалга ошириш чоғида содир бўлган авиаҳалокат оқибатида ҳалок бўлган учувчи, инструктор ва ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия ва ҳамдардлик билдиради ҳамда уларга Оллоҳдан сабр-бардош тилайди.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг хабар беришича, 21 октябрь куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Гарбдан секундига 5-10 метр тезликда эсаётган шамолнинг тезлиги кучайиб, секундига 15-17 метрга етиши мумкин. Кечаси 11-13, кундузи 15-17 даража иссиқ бўлади.

Тадбиркорлик

МАМЛАКАТИМИЗ ИСТИҚЛОЛГА ЮЗ ТУТГАНИДАН КЕЙИН ХУСУСИЙ СЕКТОР ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИГА АЙЛАНДИ. РЕСПУБЛИКАМИЗ ИҚТИСОДИЙ СОҲАСИНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИДА МУЛКЧИЛИКНИНГ МАЗКУР ШАКЛИНИНГ ҲАМ ЎЗИГА ЯРАША МУҲИМ ҲИССАСИ БОР.



ҲУНАРДАН РИЗҚ УНАДИ

Собир Раҳимов тумани Қорақамиш мавзеида истиқомат қилувчи хусусий тадбиркор Рихсивой Йўлдошев дурадгорлик ишлари билан қарийб 40 йилдан бери шуғулланиб келади. Ана шу эгалланган малака, Истиқлол берган имконият натижаси ўлароқ у 1998 йилдан бошлаб хусусий тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди. Дастлабки қадамлар зое кетмади. Р.Йўлдошев тайёрлаган стол, стул, эшик, ром, мебель тўпламлари кўпгина буюртмачиларнинг эътиборига тушди. Айниқса, уй-рўзғор буюмларининг тайёрланиш жараёнидаги сифат даражасининг ошиши харидорлар сонининг кўпайишига сабабчи бўлди. Ниҳоят йиллар давомида орттирилган тажриба ўз самарасини берди. Эндиликда хусусий тадбиркор томонидан тайёрланган буюмлар ўзининг харидоргирлиги, сифати билан ажралиб туради.



— Дурадгорлик ишларига бўлган қизиқиш ёшлигимдан бошланган, — дейди хусусий тадбиркор Рихсивой Йўлдошев бу ҳақда. — Шу боис кўп йиллар Ёғочни қайта ишлаш заводи, Тошкент бош қурилиш трестида фаолият юритиб бу соҳанинг нозик қирраларини эгаллашга ҳаракат қилдим. Ҳозирда ўзим эгаллаган касб сирларини ўғлимга, шогирдларимга сидқидилдан ўргатиб келмоқдаман. Негаки, биздан кейинги авлод вакиллари бу эзгу ишнинг барча томонларини чуқур ва пухта ўзлаштиришга даркор.

Айтиш мумкинки, хусусий тадбиркор томонидан уй-рўзғор буюмлари буюртмачиларнинг хоҳиш ва истакларига қараб турли шакл ва кўринишларда тайёрланади. Жумладан, стулларнинг 10-12, столларнинг 4-5 хилдаги шакллари буюртмачиларнинг дидига мос тушиши баробарида хориж давлатларида ишлаб чиқарилган мебель тўпламларидан ўзининг сифати, чиройи ва кўриниши билан асло қолишмайди.

Яқиндан бошлаб хусусий тадбиркор ташаббуси билан аҳолининг яроқлилик муддати ўтаб бўлинган уй-рўзғор буюмларини қайта таъмирлаш ишлари йўлга қўйилди. Келажакда бу борадаги ишларни ривожлантириш чора-тадбирлари изланмоқда. Зеро донишмандлар ҳунардан ризқ унишини таъкидлаганлар. Хусусий тадбиркор Рихсивой Йўлдошевнинг бу борадаги интилишлари ва эзгу ишларини фикримизнинг яққол исботи дейиш мумкин.

Хидирали ПАНЖИЕВ

СУРАТЛАРДА: хусусий тадбиркор Рихсивой Йўлдошев иш устида; унинг томонидан тайёрланган маҳсулотлар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

«Камолот»

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИДА ТАҚДИМОТ

ЖОЙЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАДАНИЙ ҲАЁТИДА «КАМОЛОТ» ЁИҲ ФАОЛИЯТИНИНГ ТУТГАН ЎРНИНИ ОШИРИШ, УНИ БИРИНЧИ НАВБАТДА ЁШЛАРНИНГ ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИ ВА ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ҚОДИР БЎЛГАН ТАЪСИРЧАН ТАШКИЛОТГА АЙЛАНТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТУРЛИ ТАДБИРЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилоти томонидан Учтепа тумани бўлими Кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилган анжумандан ҳам шу мақсад кўзда тутилди.

Тадбир аввалида университетда биринчи йил таҳсил олаётган ўғил-қизлар тантанали равишда талабаликка қабул қилиниб, сўнг энг иқтидорли талабаларнинг ижоди билан яқиндан таништирилди. Бу борада уларга таянч ва суянч вазифасини ўтаётган «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилоти фаолияти эса видео тақдимот орқали намойиш этилди.

— Ушбу тақдимот маросими университетимизда «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилоти томонидан доимий равишда, ҳар янги ўқув йилида ўтказиб келинади, — дейди бошланғич ташкилоти раиси Шуҳрат Нуриддинов. — Дастлаб жорий ўқув йилининг сентябрь ойида барча факультетларда «Камолот» тақдимоти акцияларини ташкил этдик. Бу шунчаки тарғибот тадбирлари бўлмасдан, балки уларда ҳаракатимиз фаолиятидаги ютуқлар қаторида муаммо ва камчиликлар ҳақида ҳам очиқ-ойдин фикрлар билдирилди. Бошланғич ташкилотимиз қошидаги «XXI аср ёшлари» клуби энг фаол ҳисобланади. Унинг таркибидаги журналистлар гуруҳи, истеъдодлар, қувноқлар ва зукколар жамоалари, шунингдек, «Камолот» радиоси талабаларимиз ҳаётида муҳим аҳамият касб этади десам адашмаган бўламан. Ҳозирда университетнинг саккизта факультетида олти мингдан зиёд талаба 20 дан зиёд чет тиллари бўйича таълим олмоқда ва уларнинг барчаси, шу жумладан биринчи босқич талабалари ҳам ҳаракатимиз аъзоларидир.

Дунё маданиятини ўзида жамулжам қилган ушбу олий ўқув юрти ёшлари томонидан ижро этилган ҳинд, француз, немис, бошқа кўплаб халқларнинг куй-қўшиқларию рақслари тадбир меҳмонларини хушнуд этди.

Шаҳло ҲОШИМОВА

Ўз-ўз ўрганиб домло бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Анушервон одати шундай эдики, бирор киши бировнинг боғига кириб сўроқсиз битта олма узса, олма узувчига жазо берарди ва дерди:

Зарар оз бўлсину ёки кўп бўлсин,
Оқибат туғилар фисқ ила фасод.

Ўт оз бўлса ҳам, кўп бўлса ҳам ундан катта ёнғин чиқиши мумкин.

Ҳикоят: Бир бечорадан сўрадилар: «Қаерда ухлайсан?» У деди: «Қаерда қоронғи тушса, ўша ерда!»

Қитъа:
Ҳар кишининг болиши хордан,
тўшак ердан эрур,
Қайси ерда бўлса жойдан ғам чекиб,
ҳайрон эмас.
Бой киши қўрққай ўлимдан,
ҳовли-жойнинг ғамидан,
Камбағал бу дард билан кўнгли куйиб,
гирён эмас.

Ҳикоят: Бир маст йўлда йиқилиб, туртилиб борар, йўлдан келаётган ҳар бир ҳушёр киши билан жанг қилиб дерди: «Эй, биродар, менга ўхшаб юрсанг, бировга урилиб-туртилмайсан!»

Қитъа:
Ҳар киши ўз айбидан огоҳ эмас,
Ўзганинг хуш одатин нуқсон санар.

Ҳикоят: Кўр киши тунда эшик ёнида йиқилиб тушиб, фарёд қиларди: «Эҳ, аҳли хона, чироқ олиб келинглар, токи бу ожиз бечора ўз уйига соғ-саломат етиб олсин!» Ундан: «Кўр киши чироқни нима қилади?» деб сўрашди. У: «Чироқ олиб келган кишининг ўзи бирор ерга қулаб, мени ҳам йиқитиб юбормаслигини хоҳлайман» деб жавоб берди:

Қитъа:
Бўлмаса ҳар кимсада идрок кўзи,
Ўзгани қандай қилиб бошлар ўзи.
Бенавлар молини ер муфтимиз,
Оғзидан тушмас вале панду сўзи.

Ҳикоят: Аҳмоқ киши йўлда кетар эди. Ногоҳ йўлдан бир ойна топиб олди. Ойнага қараб ўз аксини кўрди-ю, дарҳол уни ерга қўйди ва деди: «Авф этинг, бу ойна сизники эканини билмабман!»

Қитъа:
Ақлсизлар қўлига тушса ойна,
Ҳамоқат юзини кўргани ҳамон.
Қизиққим, ўз юзини кўрса ҳам у,
Бировнинг юзи деб бўлгай нигорон!

Маҳмуд ҲАСАНИЙ тайёрлаган

ТОШКЕНТ ФОТОСУРАТЛАР УЙИДА ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИНИНГ МИНГ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН "ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ — ЖАҲОН ИЛМ-ФАНИНИНГ БЕШИГИДИР" МАВЗУИДАГИ КЎРГАЗМА ОЧИЛДИ.

КЎРГАЗМАДА ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ

Тадбир Республика Бадиий академияси, Тошкент фотосуратлар уйи ҳамда Бадиий кўргазмалар дирекцияси ҳамкорлигида ташкил этилди. Маънавий бойликларнинг қайта туғилиши, уларга янги авлод одамларининг мурожаати жамият ривожидаги муҳим масала бўлиб, бу ўзбек халқининг миллий ўзлигини англаши, ўзининг маънавий чашма ва илдизларига қайтишидан далолатдир. Минг йил аввал ўша даврдаги Хоразмнинг пойтахти бўлмиш Урганчда Маъмун Академияси фаолият олиб борган. Академия Аббосий ал-Маъмунлар сулоласининг халифаси Хорун-ал Рашиднинг ўғли номи билан юритилган. У таниқли илм-фан намоёндаларининг ҳомийси бўлиб, Академияга буюк олимларнинг бутун бир оламини тўплаган. Хоразм, Фарғона, Сўғдиёна, Шош, Фароб, Хуросон олимлари бу ерда ўзларининг илмий тадқиқотларини олиб борган. Академияда илм уламолари орасида "Донишмандлик уйи" деб ном олган жаҳон фанининг Аҳмад-ал Фарғоний, Ибн Сино каби даҳолари бор эди.

Кўргазмада элликдан ортиқ К. Минайчанко ва Турсун Али каби фото-усталар томонидан ишланган бугунги замонавий Хоразм, қадимги давр тарихий ёдгорликлари, илмий кўлёзмалардан парчалар ҳақида ҳикоя қилувчи фотосуратлар ўрин олган. Шунингдек, кўргазма экпозициясига ўзбек фотографияси асосчиси Худойберган Девоновнинг ишлари ҳам киритилган.

Кўргазма 2 ноябрга қадар давом этади.

Рустам ҲАЙДАРОВ, "Туркистон-пресс"

Мини-футбол

ЖУРНАЛИСТЛАР МАЙДОНГА ТУШАДИ

ЎТГАН ЙИЛИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИНИНГ ЯЙПАН ШАҲРИДА ЎЗБЕК ФУТБОЛИ РИВОЖИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШГАН ОЛИМЖОН АКБАРОВ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАБ МИНИ-ФУТБОЛ БЎЙИЧА ТУРНИР ЎТКАЗИЛГАНДИ. УШБУ МУСОБАҚАНИНГ МАНТИҚИЙ ДАВОМИ СИФАТИДА БИР ОЙ ЎТИБ-ЎТМАЙ ТОШКЕНТДА ЖУРНАЛИСТЛАР ЎРТАСИДА ҲАМ ТУРНИР ТАШКИЛ ЭТИЛГАНДИ.

Жорий йилда ҳам ушбу хайрли анъана давом этадиган бўлди. Шаҳримиздаги «Истиқлол» спорт мажмуасида 26 октябрдан 6 ноябргача «Спорт» ва «Ўзбекистон футболи» газеталари таҳририяти совғалари учун мамлакатимиз журналистлари ўртасида ўзбек футболининг фидойиси Олимжон Акбаров хотирасига бағишлаб мини-футбол бўйича II анъанавий турнир ўтказилади.

Ҳомийлар ва шифокорлар йили ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида ташкил этилаётган ушбу турнирда барча таҳририятлар ўз жамоалари билан иштирок этишлари мумкин. Дарвоқе, ўтган йили ғолиблик учун 14 жамоа кураш олиб борган бўлса, жорий йилда турнир қатнашчиларининг сони ортишига шубҳа йўқ. Сабаби, ғолиб ва совриндор жамоаларга қимматбаҳо совғалар, пул мукофотлари туҳфа этилади. Бундан ташқари 11 та номинация бўйича биринчи ўринни эгаллаган жамоалар ҳам тақдирланадилар.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

ЯХШИЛАР КЎМАК БЕРИШДИ

Туман судида ишловчи Ҳасанбой деган қўшним қизиқ бир воқеани айтиб берди. Ёш эр-хотин ажралиш ҳақида судга ариза беради. Судья ариза билан танишиб чиқиб, унда ёш оиланинг ажралишига сабаб бўладиган асосни тополмай боши қотади. Ниҳоят можаронинг тагига етиш учун гувоҳлар ва ҳар иккала оила аъзоларини судга таклиф этади.

— Аризаларни кўриб чиқдим. Унда ажралишга сабаб бўладиган муҳим бир асос топа олмадим. Нима учун бундай қарорга келганларингизни тушунтириб беринглар-чи.

Судья келин-куёвни бирма-бир сўроққа тутади. Улар турли важ-карсонларни кўрсатишади, лекин ажралишга омил бўлган сабабни келтириша олмайди. Тутуруқсиз гаплардан боши қотган судья эр-хотинга қайта ўйлаб аниқ бир қарорга келиш учун уч ойлик муҳлат бериб, дейди:

— Ўшанда ҳам етарли асос бўлиши керак. Бу аҳволда ажрим чиқаришга ҳаққим йўқ.

— Асос бор, — дейди шунда куёв томондан келганлардан бири.

— Кечирасиз, аввал ўзингизни таништиринг, — унга юзланади судья.

— Куёвнинг опаси бўламан. Онагинам ўлганда укажоним ўн ёшда эди. Унга ўзим оналик, поччаси оталик қилди. Оқ ювиб, оқ тарадик. Етимлигини билдирмай, тарбиялаб вояга етказдик. Яхши ниятлар билан бош-қош бўлиб уйлантирдик. Келинга қўша-қўша сарполар қилдик. Бироқ улар томонидан арзигулик нарса келмади. Емоқнинг қусмоғи бор-да ахир. Ана ўшанда қудаларимизнинг хасислигини билганман. Устига устак келиннинг сеплари ҳам ночор аҳволда эди. Қўшнилар, қариндош-уруғлар олдида уятдан бўларим бўлди. Ҳар сафар ўзимни оғирликка олиб кечириб келдим. Лекин бу галгиси ортиқча бўлди. Биз тўйдан кейин ой ўтар-ўтмас қуда томонни чақириқ қилиб қўша-қўша тўнларни кийгаздик. Шундан кейин улар қачон чақириқ қиларкин деб кутдик-кутдик, бўлмади. Охири ўзим «Ҳой келинпошша, ота-онангизга бориб айтинг, чақирикни тезлаштиришсин» дейишга мажбур бўлдим. Шунча қистов билан охири чақирикни рўза кунига белгилашди. Биламан, атайлаб қилишган. Ҳарна енгил бўлсин деб, ичкилигидан қочишган. Эримнинг норозилигига қарамай, шунисига ҳам кўндим. Охири нима бўлди денг? Дастурхоннинг ночорлигини кўриб манаман деган қайниларим, тоғаларим, эгачиларим олдида ер ёрилмади, ерга кирмадим. Бир соатга борар бормас, ифторлик тугаб, ҳаммамиз ўрнимиздан турдик. Энди тўй кийдириш бошланса керак деб турсак қаёқда, фақат куёв - укамга эскидан қолган нурсиз пальто, поччасига биттагина шапарак тўн кийдириб қолганига қарздормиз деб туришибди. Дўпписи ерга тушса олдирадиган қайниларим, тоғаларим елка қисиб қолаверишди. Биз кийдирган йигирмата тўн ўрнига уларнинг жавоби шу бўлди. Хўш, энди айтингчи, келин-куёвнинг ажралишига мен айтган шунча нарсалар асос бўла олмайдими? Яна қанақа асос керак сизга?

— Вой, тавба, қачон қутуламиз бу борди-келди сарқитлардан. Арзимас тўн баҳона наҳотки иккита гулдек ёшнинг турмуши бузилса, — деди келин томондан келган кексалардан бири.

— Ана эшитдингизми буларнинг гапини. Тўн кийдириш сарқитмиш. Ҳа, баҳона ўлсин. Ахир куёв томонга қўша-қўша қилаётганлар қанақа одамлар экан? Чақириқларида ҳатто янги машинани миндириб юбораётганларчи? Буни чидаганга чақарган. Ҳаммага урф бўлган одат булар учун сарқит.

Хонада ғала-ғовур бошланди. Судья йиғилганларни тартибга чақирди.

— Билсак бир оиланинг бузилишининг асосий сабаби бир-иккита тўн экан, — дейди Ҳасанбой ҳикоясини тугатиб.

— Наҳотки арзимас сабаб эр-хотин ажралиб кетишган бўлса? — сўраймиз ундан.

— Йўқ, ажралишмади. Орадан бироз муддат ўтиб, ҳар икки томон қилмишларини тушуниб етишди шекилли, куёв билан келиннинг ўзи аризаларини қайтариб олишди. Кейин билсак маҳалла фаолларининг аралашувидан сўнг оила шундай қарорга келган экан.

Хайриятки, яхшилар кўмаги билан бу можаро ижобий якун топди. Лекин ўртага совуқчилик тушгани ёмон бўлди. Унинг шамоли қачон кетаркин?

ОХИРИ ҲАЙРЛИ БЎЛСИН

— Мақсудахон, эрингиз бир ҳолатда йўлакда йиқилиб қолибди, тез чиқиб қаранг.

Қўшнисининг бу гапидан онабола йўлакка чопишди. Салимжон ўз уйидан уч қават пастдаги йўлакда бир ҳолатда чангга беланиб ётарди.

Мақсудахон 10 ёшли ўғли билан эрини ўрнидан турғазмоқчи бўлишар, бироқ Салимжон ўжарлик қилиб уларга бўйин бермасди, устига устак тинимсиз сўкинарди.

Бақириқ-чақириқни эшитиб, қўни-қўшнилар йўлакка чиқишди. Ёш-яланглар бирлашиб ўларча маст ҳолатда бўлган Салимжонни сўкинишига қарамай, ердан даст кўтаришди. Шу дамда қаердандир пайдо бўлган оқсоқол жаҳл билан унга танбеҳ берди.

— Одамнинг ҳар нима бўлгани яхши. Рўзаи-рамазондек қутлуғ кунларда сен шу ёшда маст-аласт бўлиб юрсанг. Ахир қачон ақл киради сенга? Ҳеч бўлмаса шундай кунда нафсингни тийсанг бўлмайдими?

Йигитлар куршовидаги Салимжон оқсоқолга ўшшайиб қаради. Унинг ёқасига чанг солиш ниятида қўл узатганди, чапдаст ёшлар уни тўхтатиб қолишди.

— Сен оқсоқол ўзингни бил. Менга ақл ўргатадиган ота-онам ўлиб кетган.

Бу гапдан оқсоқол кўпчиликнинг орасида мулзам бўлса-да индамади. Йигитларга «бу ярамасни уйига киритиб қўйинглар, эртага гаплашамиз бу билан» деб пастга тушиб кетди.

Салимжон уйига олиб кирилгандан кейин ҳам тинчимади. Ўғли ва хотинининг ялиниб-ёлворишлари кор қилмади. У авж олгандан олаверди. Ниҳоят олишувнинг охири хотини билан ўғлини уйдан ҳайдаш билан якунланди.

Эрталаб алла-паллада у оғзи қақраб ўрнидан турди. Аввал хотинини, кейин ўғлини чақирди. Уйда ҳеч ким йўқ эди. Эласэлас у кечаги қилмишини эслади-ю, ичидан зил кетди.

Кечқурун маҳалла идорасида йиғилиш бўлди. Ҳамма чеккачеккадан Салимжоннинг қилмишини қоралади. У кўпчиликдан узр сўради. Ичмасликка сўз берди. Кейин фаоллар биргалашиб сан-манга бориб қолган эр-хотинни муросага келтиришга ҳаракат қилишди.

— Мен бу кишига ишонмайман, — деди Ибохон қатъий. — Ҳар гал ваъда берадилар, иккиуч кун ўтмай, яна қийшайиб уйга кириб келадилар. Жанжал-тўполонлар жонимга тегди. Энди бу уйда яшамайман.

Ичкиликнинг оқибати шу бўлди. Бутун бир оила барбод бўлиш даражасига келди. Ишқилиб охири бахайр бўлсин.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Крупнейший производитель качественной кабельно-проводниковой продукции в Центральной Азии

«УЗКАБЕЛЬ»

предлагает широкий ассортимент выпускаемой продукции



Нам 65 лет

г. Ташкент, ул. Ф. Ходжаева, 2
Тел./факс: (+99871) 162-02-86, 162-13-33.
e-mail: marketing@uzkabel.uz
www.uzkabel.uz

Товар сертифицирован

«Ўзбек Давлат цирки»
Республика бирлашмаси
Тошкент Давлат цирки
2006 йил 1 ноябрдан бошлаб
мактаб ўқувчиларининг кузги таътил кунлари
ИККИ БЎЛИМДАН ИБОРАТ ЯНГИ ДАСТУР

Дастурда цирк артистлари
Бутунроссия танлови ҳамда Хитойда ўтказилган халқаро цирк санъати фестивалининг совриндорлари, шунингдек, ўргатилган ҳайвонлар гуруҳи иштирок этади.

Янги дастурда қувноқ масхарабозлар, ҳаво гимнастлари ва бошқа кўплаб бетакрор томошаларнинг гувоҳи бўласиз...

ЦИРК МАНЕЖИДАГИ ТОМОШАЛАРГА ШОШИЛИНГ!

Томошалар: 2006 йилнинг иш кунлари—1,2,3,6,7,8,9,10 ноябрда соат 11.00 ва 14.00 да; 4,5,11,12 ноябрда 12.00, 15.00 да бошланади.

Томошалар жадвалида ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Чипталар цирк кассаларида ва туман кассирлари томонидан сотилмоқда.

Ҳақ турлича усулда тўланиши мумкин.

Касса эрталабки соат 9.00 дан ишлайди.

Маълумотлар учун телефонлар: **144-35-91, 144-35-94, 144-32-23.**

Қисқа муддатларга квартираларни ижарага бераман.
Т: 127-62-48

Қадриятларимиз

ЭЗГУЛИК ВА САХОВАТ АЙЁМИ

БУ ЙИЛГИ РАМАЗОН ҲАЙИТИ ҲАМ ЮРТИМИЗГА КАТТА ФАЙЗ, ФУТУҲ БИЛАН КИРИБ КЕЛМОҚДА. УЛУҒ ИМТИҲОН ОЙИ РАМАЗОНИ ШАРИФ БУТУН ЎЗБЕКИСТОН БЎЙЛАБ ИБОДАТ, МЕҲРУ ОҚИБАТ КУНЛАРИ СИФАТИДА ТАШРИФ БУЮРДИ. ЮРТИМИЗДАГИ БАРЧА ЖОМЕЪ МАСЖИДЛАРИДА ХАТМИ ҚУРЪОНЛАР ЎҚИЛИБ, ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ, УЛУҒ ДИЁРИМИЗНИНГ ОБОДЛИГИ, ФАРЗАНДЛАРИМИЗ САЛОҲИЯТИ ВА САОДАТИ УЧУН УЗОҚ ДУОЛАР ҚИЛИНДИ.

Иншоллоҳ, бу дуоларнинг самараси улуғ Ватанимизнинг янада юксалишига сабаб бўлади. Шуни ҳам айтиш керакки, ҳали Мустақилликка юз тутмасимизданоқ Муҳтарам Юртбошимиз Рамазон ва Қурбон ҳайитларини байрам сифатида нишонлаш ва дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисидаги Фармонга имзо чеккан эдилар. Бу улуғ неъмат натижасида халқимиз Ҳайит байрамларини тантана билан бемалол, эминэркин ўтказишга муяссар бўлди. Меҳрибон Парвардигоримизнинг «Неъматларимга шукр қилсангиз зиёда қилиб юбораман», деган ваъдаси бор. Оллоҳ Таоло бизни янада зиёда айласин.

Энди азизлар, Ҳайит кунларини қандай ўтказиш ҳақида бироз тўхталиб ўтсак. Жаноб Пайғамбаримиз Муҳаммад (С.А.В.) Рамазон ҳайити куни эрталаб нонушта қилар эдилар. Сабабки ўша кунни Ҳайит байрами сифатида нишонлаш учун ҳам Аллоҳнинг Расули шу тарзда иш тутган. Янги ва покиза кийимлар кийиб, хушбўй бўлиб намозга чиқар эдилар. Етим-есир, ногирон, қарияларга алоҳида эҳтиром кўрсатар эдилар. Бундан ташқари барча-барчага ҳаммадан олдин салом беришликка шошилганлар ва аввал салом берган мўминга Оллоҳнинг раҳмати ноил бўлади, деган сўзни ботбот таъкидлаганлар. Шуни ҳам айтиш керакки, пайғамбаримиз Ҳайит кунларида ниҳоятда сахий бўлиб кетар эдилар. Демак биз мўмин-мусулмонлар ҳам пайғамбар саллоллоҳу алайҳи вассалламнинг суннатларига эргашиб, эзгу ишларда ўзаро мусобақа қилмоғимиз жоиз. Ҳайит кунлари фақат байрам сифатида нишонланиши шарт! Кексалар, ногиронлар, ота-оналаримизнинг ҳолларидан хабар олиб, кўнгилларини шод этишимиз жоиздир. Мусибат етган хонадонларда эса ёруғ дунёдан кўз юмган марҳумларга тиловат ва дуолар қилишлик ниҳоятда савоб бўлади. Аммо мусибатни янгидан бошлаб, аёлларнинг йиғи-сиғи қилиши катта гуноҳ ҳисобланади.

Ҳайит кунларида аразлашганлар ярашиши, турар жойларимизни пок сақлашимиз энг улуғ ва савобга ноил бўладиган амаллардандир.

Оллоҳ Таоло бу байрамни тинчлик, меҳри-оқибат, мурувват ва саховат байрами сифатида бизга насиб айлаган бўлсин. Ҳомийлар ва шифокорлар йилида бу қўшалоқ эзгу амалларимиз Ватанимиз равнақига катта ҳисса қўшишимиз учун пойдевор бўлсин. Барчамизга улуғ Ийди Рамазон муборак бўлсин!

Анвар қори ТУРСУНОВ,
Тошкент шаҳар Бош имом-хатиби

Бугуннинг гапи

БОР ТОВОҒИМ — КЕЛ ТОВОҒИМ

ЁКИ ҚЎША-ҚЎША ТОҒОРАЛАРУ КОРОБКАЛАРГА ЧЕК ҚЎЯЙЛИК!

Баҳс яхши нарса. У орқали жуда кўп муаммолар ечимини топади. Янги-янги кашфиётлар дунё юзини кўради. Лекин тангaнинг икки томони бўлганидек, баҳснинг ҳам ўзига яраша носоғлом томонлари ҳам борки, ундан кўз юмиб бўлмайди. Булар орасида энг ёмони манманлик, сендан мен қоламанми, деган маънода қилинадиган кимўзарлик баҳсидир. Қизиғи шундаки, бу пойгада ютган мағлуб, ютқазган ғолиб. Яна ҳам тўғрироғи, ютган зиён кўради, ютқазган фойда. Бунинг мисоли сифатида узоққа бормай кўпчилик оилаларнинг бугунги кун ташвишига айланган тоғора можаросини олайлик. Айниқса унинг баъзи оғзи катталар ўртасида кимўзарлик баҳсига айланиб қолаётганлиги ачинарли.

Рўзаи—рамазон охирлаб бораётган шу кунларда бозор оралаб бораётиб икки аёлнинг қуйидаги сўзлари қулоғимизга чалинди.

— Тинчликми, Насибахон, бугун бозорни катта қилиб юборибсиз?

— Вой дугонажон биласизку, бу йил кичик қизимни узатганман. Ҳайит яқин. Шунга тоғора ташвиши-да, ўргилай.

— Шунақа денг. Бунақа ғавғо бизнинг бошимизда ҳам бор. Неча тоғора қилишни билмай гарангман. Сиз қанча қилмоқчисиз?

— 50-60 тани мўлжаллаб турибман. Яна камми деб кўнглим тўлмаяпти.

— Вой, бу кам ўргилай. Чумчуққа дон сепгандек бу нимаси? Мен юзта қилсам етармикан, деб турибман-а.

Ана сизга. Ким ўзарлик баҳсининг бир тури. «Маҳаллада дувдув гап» кинофильмида Она ролида суратга тушган Лутфихон Саримсоқованинг «Вой тиниб-тинчимаган одамлар-ей, нималарни ўйлаб топишмайди-я», деган сўзи бор. Бизга қолса бу сўзни бироз ўзгартириб «Вой тиниб-тинчимагур аёллар-ей, нималарни ўйлаб топишмайди-я, деган бўлур эдик. Бундай дейишимизнинг боиси бор. Ўтган йиллар жамоатчилик, маҳалла-кўй ўртасида тоғора можароси кенг муҳокама қилинди. Тортишув, баҳслардан сўнг уни ихчамлаштиришга келишиб олинди. Ҳатто унинг сони тахминий қилиб ўнтадан ошмаслиги белгиланди. Бу гапга риоя қилганлар бўлди. Лекин ҳамма эмас. Баъзилар буни турли йўллар билан четлаб ўтишга ҳаракат қилишди. Барака топкур «янгилик» изловчи уддабурон аёлларимиз бунинг ҳам чорасини топишди. Шундайлар тоғорани гўё эскилик сарқитидек четга чиқариб унинг ўрнига коробка (қоғоз қути)ни жорий этишди. Янгилик уларга қўл келди. Ҳозирда улар кўзбўямачиликнинг бу туридан фойдаланиб туришибди.

Энди келинг, баъзи мисолларга — бу кимўзарлик, манманлик баҳсининг охир-оқибатига ўтайлик.

Ўтган ҳайит кунида аёлим кўчадан гап топиб келди:

— Вой отаси, кўрмабсиз, оламга келмабсиз. Ҳакимахоннинг қудаси ҳайит қилиб саксонта коробкани тўлдириб жўнатибди. Уларда бедана кабобдан тортиб, қази-карталаргача бор. Сарпо-суруқларни айтмайсизми? Бир олам. Куёвтўрага уч-тўрт сидрадан бош-оёқ кийим. Келинга тилла занжир, куёвга тилла соат сепочкаси билан. Ҳакимахоннинг ўзига, эрига, ота-онасига қимматбаҳо кийим-кечаклар, бу ҳали ҳаммаси эмас. Шу десангиз келиннинг отаси кеча келиб чет эл машинасини куёвига совға қилиб кетибди. Шунақалар пулни қайдан оларкин?

Аёлимнинг бу саволи мени ўйлантириб қўйди. Чиндан ҳам ҳамманинг оғзини ланг очираман деб, жамоатчиликнинг раъйига қарамай, манманлик шоҳсупасига минган бу бойваччалар кимлар ўзи? Ошиб-тошиб кетаётган бу кимсалар бойликларини беҳуда харажатларга совурмай ўзлари билан бир маҳаллада яшаётган бева-бечораларнинг кўнглини икки дона нон билан олишса бўлмасмикан? Бунинг қай бирининг савоби кўпроқ тегади уларга?

Ўзимиз гувоҳ бўлган бир воқеа. Қариндошимиз Қодир ака қуданг борми деса бордек десин деб, ўғлини севган қизидан жудо этиб, бой-бадавлат жойдан келин қилди. Ҳайит арафасида келин томондан тоғора-тоғора таомлар, пишириқлар беармон келди. Тортнинг эса таърифи йўқ. Бир катта столни бемалол эгаллайдиган бу пишириқнинг устига куёв-келиннинг расмигача туширилган. Уч кун ҳайит таомлардан ким тотиб кўрди, ким ийманиб уларга қўл урмади. Кун ўтиб эскириб, ачиб-бижиб, истеъмолга ярамай қолган таомларнинг ҳузурини ариқ кўрди. Энди айтинг, исроф қилинган бу неъматларнинг уволи кимни тутади? Келин томонними, куёв томонними? Назаримизда ҳар иккаласини ҳам.

Орамизда шундайлар ҳам борки, шавла кетса кетсин, обрў кетмасин деб, атайлаб тили узун бўлиши учун ошириб-тошириб то тортдан тортиб, музқаймоққача қилишади. Кейин сен кимсану, мен кимман деб бир умр миннат қилиб гердайиб юришади. Иккинчи томон уларнинг манманликларига чидашга мажбур. Чиллаки чиллакини кўриб чумак уради. Ёмони шуки, улардан бошқалар ибрат олади.

Эшик қўнғироғи жиринглаб қолди. Чиқиб очсам йўлакда елкасини қисиб, дўстим Ҳамидулла турибди. Кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашгандан сўнг меҳмонни ичкарига таклиф қилдим. У мулозаматларимга раҳмат айтиб мақсадга ўтди.

— Олдингга бир илтимос билан келувдим. Биласан, яқинда қиз узатдим. Топган-тутганим тўйга кетди. Энди қутулдим десам, бошқа ғалва чиқиб қолди.

— Нима экан?

— Хотиним «эртага ҳайит келяпти ҳаракатингизни қилинг, қизимизга, куёвга ҳеч бўлмаса бир сидрадан бош- оёқ сарпо, қайнота, қайнонасига яна бир нималар қилиш керак» деб бошимни қотиряпти.

— Ахир тўйда ҳаммасини қилдинг-ку?!

— Униси бошқа, буниси бошқа эмиш. Шу билан қутулсам майли, бунинг устига тоғора жанжалини айтмайсанми? Шунга бироз сармоядан қийналиб турибман. Ўйлаб-ўйлаб сенинг олдингга келишга мажбур бўлдим.

Сўраганнинг бир юзи, бермаганнинг икки юзи қора. Ҳозир дўстимга хотинининг бекор айтибди, деган мазмунда сўз қилсам дили оғриши турган гап. Шундай хаёлда у айтганча бўлмаса-да ҳар қалай ярим-ёрти пулни олиб чиқиб бердим. Ҳамидулла худди гуноҳкордек бош эгиб бир аллоздa хайрлашиб кетди.

Кўрпага қараб оёқ узатмай, «бор борича, йўқ ҳолича» деган мақолга амал қилмай, ўзгалардан қоламанми деб эрини ноқулай аҳволга солиб қўядиган аёлларимиз ҳали ҳам борлигини инкор этиб бўлмайди. Уларга қарамақарши, тоғора можаросини ортиқча ташвиш билиб «бор товоғим, кел товоғим» деган иллатдан қачон қутуламиз деган мазмунда таҳририятга хат йўллаётган юртдошларимиз ҳам йўқ эмас. Мана шундай мактублардан бири.

«Менинг ота-онам чор-ночор яшашади, — деб ёзади Холида исмли келинчак. — Яқинда ўртача тўй қилиб мени узатишди. Мен келин бўлиб тушган оила ўзига тўқ, бадавлат. Ҳайит яқинлашгани сари юрагим зирқирайди, ота-онам қаердан топиб, бизга тоғора, сарпо-суруқ қилади, деб. Шу ҳақда қайнонамга ётиғи билан оғиз очсам: «Келинпошша, бу нима деганингиз, келинлик уйга уч кун ҳайит қилиб қанча-қанча одамлар келиб-кетади, Уларнинг олдига арзигулик дастурхон ёзмай бўладими? Дўстдушманларим орасида шарманда қилмоқчимисиз мени. Ундан кўра, уйдагиларингизга айтинг, сарпосуруқ, тоғораларни кўримли қилишсин» дейдилар. Ночор онамникига бориб, шу гапларни етказдим. Онажоним: «Қандай қилайлик болам, қудачилик минг йилчилик, ўртага совуқчилик тушмасин. Қайнонанг шундай деб тургандан кейин ўзимизни гаровга қўйиб бўлса ҳам айтганларини қиламиз-да», дедилар. Онажоним шунақа деяптилару, менинг юрагим эзилиб кетяпти. Айтинг, қачон қутуламиз шу ортиқча даҳмаза тоғора ташвишидан».

Ушбу хатни шарҳлаб ўтирмай, унинг ўрнига бир ибратли воқеани мисол келтирсак ўринли бўлар.

Яқинда қизини турмушга берган бир жияним билан учрашиб қолдим. Кўнгил сўраган бўлдим. Тоғора ҳақида сўз очсам у кулиб: «Биз бунақа ташвишдан қутулганмиз тоға. Қудам билан келишиб Ҳайит расм-русумларини баҳоли қудрат ўтказадиган бўлдик. Ортиқча даҳмазанинг кимга кераги бор. Уч кунлик Ҳайит ўтади-кетади. Ўйлаб турсам аёлларнинг излаб топган «Бор товоғим, кел товоғим» ташвишидан икки томон ҳам зарар кўради. Шундай экан, тоғораларга сарф бўладиган маблағни оиламизнинг кор-ҳолига яратсак биров биздан хафа бўладими?» — деди қудам». Шунақа тушунадиган одамлар ҳам бор. Уларнинг сафи йил сайин кенгайиб бораётгани кишини қувонтиради.

